

## АЖРИМ

(тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш ҳақида)

2025 йил август ойининг 18 куни жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар суди ўз биносида, очик суд мажлисида, А.Рахимовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Р.Мирзаевнинг котиблигида, томонлардан Когон шаҳар прокурори Ш.Эргашев, ижтимоий хавфли қилмишни содир этишда айбланган Б.Хасанов ва унинг ҳимоячиси - адвокат В.Ҳайитовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 126<sup>1</sup>-моддасининг 3-қисмида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишни содир этишда айбланган

Хасанов Бекзод Рахимбой ўғли (Хасанов Bekzod Rahimboy o`g`li) - 2002 йил 11 июль куни Когон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, иккинчи гуруҳ ногирони, муқаддам жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2023 йил 22 ноябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 267-моддаси 2-қисмининг “б” бандида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасо ҳолатда содир этилган деб топилиб, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган, Когон шаҳар, “Беруний” МФЙ, Нуробод кўчаси, 40-уйда яшайди,

унга нисбатан 1-2003-2501/140-сонли жиноят иши бўйича тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

## АНИҚЛАДИ:

Дастлабки тергов органи томонидан Б.Хасанов қасддан жиноят содир қилиш йўлига ўтиб, 2025 йил 23 май куни соат 21:00 ларда ўзи яшаб келаётган Когон шаҳар, “Беруний” МФЙ, Нуробод кўчаси, 40-уйда бир рўзғор асосида биргаликда яшаб келаётган турмуш ўртоғи Ф.Ҳалимова билан ўрталарида вужудга келган оилавий келишмовчилик сабабли, жанжаллашиб, жанжал вақтида турмуш ўртоғи Ф.Ҳалимовани қўл билан юз ва қўл соҳасига урииб, унга Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Бухоро филиали Бухоро туман пунктининг 2025 йил 29 майдаги 181-Т-сонли хулосасига кўра ҳаёт учун хавфли бўлмаган соғлиқнинг қисқа вақт, яъни камида олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига сабаб бўлган қасддан баданга енгил жароҳатини етказиб, оилавий зўравонлик жиноятини содир қилган.



Иш юзасидан ўтказилган суд-психиатрия экспертизасининг 2025 йил 22 июлдаги 133-сонли хулосасига кўра, Б.Хасановда туғма ақл заифлик, яъни “Ақлий заифликнинг енгил даражаси, даволаш ва парвариш талаб қиладиган хулқ-атворнинг аҳамиятли бузилиши” аниқланганлиги, буни анамнестик сўровлардан насли мушкулсиз, болалигидан ақлан заиф ривожланганлиги, махсус мактаб интернатига жойлаштирилганлиги, дарслардан юрганлиги сабабли чиқарилганлиги, ёшлигидан бери психиатр назоратида турганлиги, бир неча марта руий ҳолати ёмонлашиб, рухий касалхонада даволанганлиги, касаллиги бўйича 2-гурух ногиронлигига ўтказилганлиги, ўзининг рухий ҳолатига кўра, тўғри кўрсатув бериш ва бошқа тергов ҳаракатларида иштирок этишга қодир эмаслиги, ҳозирги вақтда ақл даражасининг пастлиги, мурасасизлиги, ҳиссий кўзгалувчанликнинг мавжудлиги каби рухий нуқсонлари мавжудлиги, ҳодиса содир этилган вақтда ўз ҳаракатларини идроқ эта олмайдиган ҳолатда бўлганлиги ва жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2025 йил 14 январдаги ажрими билан яшаш жойида амбулатор тартибдаги мажбурий даволаниш тартибини бузганлиги сабабли, Республика ихтисослаштирилган рухий саломатлик илмий амалий тиббиёт марказининг ПХБ Бухоро вилоят филиалининг реабилитация бўлимида мажбурий даволанишга мухтожлиги кўрсатилган.

Суд, иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, Б.Хасановнинг ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлиги, аризалар (и.в. 7, 19), суд-тиббий экспертизасининг 2025 йил 29 майдаги 181-Т-сонли хулосаси (и.в. 27-29), суд-психиатрия экспертизасининг 2025 йил 22 июлдаги 133-сонли хулосаси (и.в. 49-50), тушунтириш хатлари ҳамда ишдаги бошқа далиллар билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги “Рухий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 6-бандига кўра, ақли норасо ҳолатда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланганда жиноят иши жиноят белгилари таркибига кирувчи элемент - субъект йўқлиги туфайли тугатилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, Когон шаҳар прокурори Ш.Эргашев ва адвокат В.Ҳайитовнинг фикрларини эшитиб, экспертиза хулосаси ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далилларни ўрганиб чиқиб, Б.Хасанов оилавий зўравонликда ифодаланган ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасо ҳолатда содир этган деб ҳисоблаб, унга нисбатан жиноят ишини тугатишни ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси тайинлашни лозим топади.

Юқорида баён қилинганларга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-моддасининг 2-қисми, 575-577, 581-моддаларига амал қилиб, суд хайъати



## **АЖРИМ ҚИЛАДИ:**

Хасанов Бекзод Рахимбой ўғли (Хасанов Бекзод Рахимбой о`ғ`ли) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 126<sup>1</sup>-моддасининг 3-қисмида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасо ҳолатда содир этган деб топилсин.

Б.Хасановнинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли жиноят иши тугатилсин.

Б.Хасановга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилсин ва у Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий амалий тиббиёт марказининг ПХБ Бухоро вилоят филиалининг реабилитация бўлимида мажбурий даволаниш учун юборилсин.

Ажримнинг ижроси Когон шаҳар ички ишлар бўлими ва Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилоят филиали зиммасига юклатилсин.

Ажрим устидан ўн кун ичида шу суд орқали Бухоро вилоят судига хусусий шикоят берилиши, прокурор эса хусусий протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи**

**(имзо)**

**А.Рахимов**

**Нусхаси аслига тўғри \_\_\_\_\_**

